

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

Олий Мажлис
Қонунчилик палатасида



БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ – ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Тадбир парламент куйи палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси томонидан БМТ Болалар жамғармасининг (ЮНИСЕФ) Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил қилинди.

Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар, нодавлат ҳамда халқаро ташкилотларнинг вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Анжуманда таъкидланганидек, вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, болаларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоялаш, жисмоний, интеллектуал, маънавий-ахлоқий камол топишига кўмаклашиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидандир.

Мамлакатимизда бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича давлат дастурлари ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда. Жисмоний ва маънавий етуқ авлоднинг шаклланиши ва имкониятларини рўйбга чиқариш борасида кўплаб қонунлар қабул қилинган. Ушбу қонунларнинг мақсади болаларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, иқтидорини жамият манфаатлари йўлида тўла рўйбга чиқариш учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборат.

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, 2008 йил 7 январда қабул қилинган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун юртимизда келажагимиз бўлмиш ёш авлодга кўрсатилаётган доимий эътиборнинг амалдаги яна бир яққол ифодасидир.

Семинарда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш юзасидан маърузалар тингланди.

МИЛЛИЙ ПАСПОРТ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Мамлакатимиз фуқаролари дунёнинг қайси давлатига бормасин, уларнинг қўлида Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти бўлади. Бу улуг неъмат, бахт эканини баъзан чуқур ўйлаб кўрмаймиз. Ҳеч кимга қарам бўлмаган, барча давлатлар билан тенг ҳуқуққа эга давлатнинг фуқароси бўлиш, аниқроқ айтганда, унинг ҳимоясида бўлиш том маънодаги бахтдир.

Юртимизда халқимиз ҳуқуқ ва манфаатларига қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонун ушбу жараённинг муҳим ҳуқуқий асосларидандир. Ушбу Қонуннинг 1-моддасида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида ўз фуқароларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилади.

– Мазкур Қонун мамлакатимизда миллий паспорт тизими яратилиши ва шаклланиши учун ҳуқуқий асос бўлди, – дейди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси бошлигининг ўринбосари Алишер Тошметов ўЗА мухбирига. – Қонун қабул қилингандан сўнг Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспортини жорий қилиш бўйича ташкилий ишлар амалга оширилди. Натижада ҳозир амалда бўлган миллий паспортимиз яратилди. 1995 йил 1 январдан бошлаб фуқароларимизга Ўзбекистон Республикасининг янги фуқаролик паспортлари расмийлаштирила бошланди.

Мамлакатимизда бошқа соҳалар каби паспорт тизими ҳам халқаро андозаларга мос тарзда такомиллаштирилмоқда. Жорий йил 23 июнда Президентимиз Ислон Каримовнинг «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилингани бу борадаги муҳим қадам бўлди.

Қайд этиш жоизки, Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Чикаго конвенцияси (1944 йил декабрь) ва Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО) Монреаль Ассамблеясининг 2004 йилдаги қарори (резолюцияси) мувофиқ ушбу ташкилотга аъзо давлатлар 2010 йилдан кечиктирмай эгаларининг шахсий биометрик параметрлари ва белгиланган маълумотлари ҳақида электрон ахборот жамланган ҳамда юқори ҳимоя даражасига эга фуқаро паспортларининг жорий этилишини таъминлаш шарт.

Биометрик маълумотларга эга паспортлар халқаро фуқаро аэронавигацияси хавфсизлигини таъминлаш, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни қалбакилаштиришга қарши ҳимоя даражасини ошириш, давлат чегарасидан ўтишда шахсни тезкор ва аниқ идентификациялаш механизmlарини такомиллаштириш, халқаро авиаташишлар сифати ва самардорлигини оширишга хизмат қилади. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида замонавий ахборот технологиялари ёрдамида тайёрланган биометрик параметрли паспортлар жорий этилган.

ИКАО аъзоси бўлган Ўзбекистон Республикасида авиаташишлар хавфсизлигини таъминлаш, авиация техникасининг ишончилиги ва халқаро бозордаги рақобатбардошлилигини ошириш, авиатранспорт хизматларидан фойдаланувчи йўловчилар учун максимал қулайликлар яратиш, аэропортлар инфратузилмасини ривожлантириш, ушбу соҳада кадрлар тайёрлаш ва бошқа тадбирлар борасида тизимли ва изчил иш олиб борилмоқда.

Фармон ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда электрон кўринишдаги маълумотларга эга Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортларини жорий қилиш билан боғлиқ зарур чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Аввало, биометрик паспорт амалда бўлган бир қатор мамлакатлар тажрибаси ўрганиб чиқилди.

Айтиш жоизки, миллий паспорт тизимини янада такомиллаштириш мақсадида ички ишлар идораларига бир қатор вазифалар юклатилган. Ҳозирги кунда 2010 йилдан кечиктирмай эгаларининг шахсий биометрик параметрлари ва белгиланган маълумотлари ҳақида электрон ахборот жамланган ҳамда юқори ҳимоя даражасига эга фуқаро паспортларининг жорий этилишини таъминлаш мақсадида тегишли идоралар билан ҳамкорликда амалий ишлар олиб борилмоқда.

Аҳолининг амалдаги Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини биометрик паспортга босқичма-босқич алмаштириш тартиби тасдиқланди. Биринчи



босқичда (2010 йил) республика вазирликлари, идоралари ва муассасалари хизматчиларига, хорижга чиқаётган ёки чет элдаги жисмоний шахслар, шунингдек, муайян ёшга тўлган ёки қонунчиликда кўзда тутилган бошқа сабабларга кўра паспорт олаётган фуқаролар, иккинчи босқичда (2011-2015 йиллар) – бошқа фуқаролар янги паспорт билан таъминланади.

Биометрик паспортлар марказлашган ҳолда расмийлаштирилади ва уларнинг ҳисобини самарали юритиш билан боғлиқ ишлар ҳам қонунчиликда белгиланган тартиб бўйича амалга оширилади.

Янги намунадаги паспортни олиш учун фуқаролар доимий рўйхатдан ўтган ҳудудий ички ишлар идораларига, хорижда яшаётган фуқароларимиз ташқи ишлар вазирлигининг хориждаги консуллик ваколатхоналарига ариза билан мурожаат қилдилар. Ушбу аризалар асосида биометрик паспорт тайёрлаш учун Давлат персоналлаштириш марказига биометрик маълумотлар юборилади. Мазкур марказ буюртма асосида фуқарога биометрик паспорт расмийлаштиради.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг барча ҳудудий, жумладан, туман ва шаҳар ички ишлар идораларида хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимлари маъмурий биноларида биометрик паспорт билан боғлиқ масалаларни ҳал этувчи ходимлар учун хоналар ажратилди. Улар замонавий жиҳозлар, зарур асбоб-ускуналар билан таъминланмоқда. Соҳага малакали кадрларни жалб этиш масаласи ҳам алоҳида эътиборда. Тегишли ўқув даргоҳларида уларни тайёрлаш ва малакасини ошириш чоралари кўрилмоқда.

Эгаларининг шахсий биометрик параметрлари ва белгиланган маълумотлари ҳақида электрон ахборот жамланган ҳамда юқори ҳимоя даражасига эга фуқаро паспортларининг жорий этилиши мамлакатимиз миллий паспорт тизимининг янада такомилни таъминлаб, бу борада юртимизнинг халқаро андозаларга мослашувига хизмат қилади. Бундай чора-тадбирлар фуқароларимизга нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам кенг қулайликлар яратиши шубҳасиз.

ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.

УШБУ СОҒДА	1-бет	1-бет	2-бет	7-8-бетлар
	Парламентда семинар	Паспорт тизими такомиллашмоқда	Янги қонун ҳужжатлари	Реклама
	\$1 = 1496,33 сўм	€ 1 = 2144,24	£1 = 2449,49 сўм	¥10 = 160,67 сўм

INTER-PRESS АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ **ОБУНА-2010** ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР

Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 дней • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир • Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света • Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги • Караван Историй • Клаксон • Коммерсантъ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно

www.interpress.uz тел./факс: (99897) **119-0000** **155-0955** Тошкент ш., Навоий кўч., 13

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

ЭМИССИЯ ҚОИДАЛАРИ

Давлат мулки кўмитаси ҳузурдаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг буйруғи (АВ томонидан 2009 йил 30 августда 2000-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидалари тасдиқланди.

Унда кўрсатилишича, эмитент уставида акциядорлар томонидан сотиб олинган акцияларнинг типлари, сони ва номинал қиймати белгиланган бўлиши керак. Акцияларни қўшимча чиқариш эса фақат эмитентнинг илгари жойлаштирилган барча акциялари тўлиқ тўлангандан ва эмитент уставида киритилган акцияларнинг олдинги чиқарилиши натижаларига кўра жойлаштирилган ҳамда эълон қилинган акциялар сонининг янги миқдорига нисбатан киритилган ўзгаришлар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейингина амалга оширилиши мумкин. Номинал қиймат Ўзбекистон миллий валютасида ифодаланиши лозим.

Эмитент акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жойлаштирилган акцияларни устав капитал миқдорини ўзгартирмаган ҳолда худди шу типдаги акцияларнинг янги чиқарилишини амалга ошириш йўли билан майдалашни ёки йириклаштиришни ўтказиши мумкин. Эмиссия, агар қонун ҳужжатларида бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: а) қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш ва тасдиқлаш; б) рисола тасдиқлаш; в) қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарорни ва рисола Марказий банкда (тижорат банклари учун) келиши; г) қимматли қоғозлар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказиш; д) қимматли қоғозлар чиқарилиши Қимматли қоғозлар марказий депозитарийида ҳисобга қўйиш; е) қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги ахборотни қонун ҳужжатлари ва мазкур Қоидаларда белгиланган тартибда ошкор қилиш; ж) чиқарилишидаги қимматли қоғозларни жойлаштириш; з) рўйхатдан ўтказувчи органга қимматли қоғозларни чиқариш натижалари тўғрисида билдиришнома тақдим этиш.

2009 йил 9 сентябрдан кучга кирди.

Марказий банк бошқаруви ва Давлат мулки кўмитаси ҳузурдаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг қарори (АВ томонидан 2009 йил 3 сентябрда 1216-6-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан «Тижорат банклари

томонидан қимматли қоғозларни чиқариш, давлат рўйхатига олиш ва сўндириш (бекор қилиш) тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»-ги қарор ҳамда унга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ўз кучини йўқотган деб эътироф этилди.

2009 йил 13 сентябрдан кучга кирди.

МИКРОСКОПГА ИМТИЁЗ БЕРИЛДИ

Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона кўмитасининг қарори (АВ томонидан 2009 йил 30 августда 1802-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солигидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар рўйхатига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).

Энди божхона расмийлаштируви вақтида ишлаб чиқарилган санаси 3 йилдан ортиқ бўлган тўқимачилик соҳаси корхоналарини ташкил этиш, модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳалари учун корхоналар томонидан тўғридан-тўғри инвестиция ҳисобига корхона устав фондига ҳисса сифатида келтириладиган баъзи технологик ускуналарга импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар қўлланилади. Имтиёзларни қўллаш учун қуйидагилар асос бўлади: «Ўзбекистон Республикаси» ДАК ва «Ўзгасанлоиҳа» МЧЖнинг келтирилаётган ускунанинг замонавий технологиялар талабларига мувофиқлиги ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши таъминлаши тўғрисидаги эксперт хулосаси; импорт қилинадиган ускуналар ўрнатиладиган корхонанинг ушбу ускуналарни корхона устав фондига улуш сифатида киритилишини белгилайдиган таъсис ҳужжатлари. Мазкур ҳужжатлар ускуналарни эркин муомалага чиқариш режимида божхона расмийлаштируви вақтида БЮД билан бирга тақдим этилади. Ушбу рўйхатга энди микроскоп, трихоноскоп ва рақамли универсал микроскоп ИМЦ, БМУ ҳам кирди.

2009 йил 9 сентябрдан кучга кирди.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2009 йил 29 августдан 4 сентябргача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 36-сон асосида тайёрланди.

*Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.pogta.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.

АГЕНТДАН 4,7 МЛРД

Марказий банк бошқаруви, Давлат солиқ кўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг қарори (АВ томонидан 2009 йил 30 августда 2002-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Тўлов агентлик тармоғи орқали жисмоний шахсларнинг тўловларини қабул қилиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди.

Юридик шахсни бош агент сифатида рўйхатдан ўтказиш Марказий банк томонидан амалга оширилади. Рўйхатдан ўтказиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 140 минг баробари миқдорига ҳақ ундирилади (буғунги кунда ушбу сумма 4 710 300 минг сўмни ташкил этади). Устав фондида давлат улуши 25 фоиздан ортиқ бўлган юридик шахс рўйхатдан ўтишда тўловдан озод этилиши белгиланган.

Бош агент сифатида рўйхатдан ўтиш учун юридик шахс:

- 200 000 евро эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда шакллантирилган устав фондига;
- тўловларни йиғиш бўйича хизмат кўрсатиш юзасидан имзоланган дастлабки шартномаларга;
- Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан берилган лицензияга;
- кейинчалик тегишли сертификат бериш билан дастурий-аппарат мажмуида тўлов агентлари/субагентларнинг ишлаши учун тайёрлов ўқув дастурига;
- дастурий-аппарат мажмуининг ахборот ва бошқа хавфсизлик, барқарорлик ва узлуксизлик талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг эксперт хулосасига;
- Ўзбекистон ҳудудидан мавжуд бўлган ўзининг дастурий-аппарат мажмуига;
- дастурий-аппарат мажмуининг турли хил ҳужжат айланишида электрон рақамли имзоларга;
- Ўзбекистоннинг бутун ҳудуди бўйича 15 мингдан кам бўлмаган миқдордаги тўлов агентлари/субагентларга;
- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган ўзининг маҳсулот белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисига эга бўлиши лозим.

2009 йил 9 сентябрдан кучга кирди.

РЕКЛАМА

МЕБЕЛЬ ТАЙЁРЛАШ

мактаб
офис
тиббиёт
металл каркаста
ошхона буюртмага



тел./факс: (998 71) 244 86 31, 290 95 57. www.art-mebel.uz

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ ва унинг ҳудудий филиаллари бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақдир этади!

РКМБ Марказий аппаратининг аукцион савдосига:

I. Аукцион савдосига Пискент тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. «Доминатор-130» русумли, д/р ДРБ 8016 бўлган, 2007 йилда и/ч комбайн (ижро ҳужжати 14.11.08 й. №11-0827/12816, 21.11.08 й. №11-0809/17596, 28.11.08 й. №11-08-26/24170, 02.02.09 й. №11-0822/25740, №11-0822/25731, 13.04.09 й. №11-0927/1774). Бошланғич баҳоси – 122 284 500 сўм. 2. Пискент шаҳар, А.Қодирий кўчасида жойлашган, «Бунёдкор» МЧЖга тегишли, бино ва иншоот (ижро ҳужжати 04.03.2009 й. №11-0927/361, 20.02.09 й. №11-0929/1713, 02.02.09 й. №11-0822/25740, №11-0822/25739, 09.12.08 й. №11-0827/14377) Бошланғич баҳоси – 311 151 000 сўм.

II. Аукцион савдосига Бўқа тумани СИБ томонидан, СК 5М-1 «Нива» русумли, д/р йўқ, и/ч чиқарилган йилли номаълум бўлган, Бўқа тумани С.Саймақов ф/у фаолият юритувчи Низомиддин Ф/нинг ферма биносидан сақланаётган галла ўриш қомбайни қўйилмоқда (ижро ҳужжати 29.10.07 й. №10-0717/11262, 15.05.08 й. №10-0815/1353). Бошланғич баҳоси – 79 040 000 сўм.

III. Аукцион савдосига Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан, Чирчиқ ш., И.Сино кўчасида жойлашган нотурар жой биноси (24.03.1994 йилдаги Давлат ордерида мувофиқ «Чирчиққурилиш» МЧЖга тегишли бошланғич баҳоси) қўйилмоқда (ижро ҳужжати 20.04.09 й. №11-0921/1793(11)). Бошланғич баҳоси – 731 525 367 сўм.

IV. Аукцион савдосига Юқоричирчиқ тумани СИБ томонидан, Юқоричирчиқ тумани Тинчлик қ.ф.й.да жойлашган, «Интермаш» МЧЖга тегишли, 1966 йилда қурилган, 18 донна бино ва иншоотлар қўйилмоқда (ижро ҳужжати 21.04.05 й. №11-0522/820). Бошланғич баҳоси – 677 423 000 сўм.

V. Аукцион савдосига М.Улғабек тумани СИБ томонидан, (ижро ҳужжати 14.05.09 й. №0805/16616 асосан хатланган) умумий майдони 1 229 кв. м бўлган Тошкент шаҳар М.Улу тумани, Қодирий кўчаси НИИ акушерлик институти ҳудудига жойлашган, 1, 2 қаватли шифона биноси подвали билан қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 500 590 000 сўм.

Аукцион савдоси 2009 йил 13 октябрь кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги техника воситалари ва кўчмас мулклар 2009 йил 13 октябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур техника воситалари ва кўчмас мулкларини сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2009 йилнинг 3 ноябрь кuni бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

VI. Аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томонидан, «Джил Ленд Ровер» русумли, д/р 34 RUN 84 бўлган, 1992 йилда и/ч, Тошкент ш., Файзобод б/м омиборида сақланаётган автотранспорт воситаси қўйилмоқда (ижро ҳужжати 07.05.09 й. №1-1992/2009). Бошланғич баҳоси – 80 309 137 сўм.

VII. Аукцион савдосига Яккасарой тумани СИБ томонидан, Тошкент ш., С.Раҳимов т.ш., Қорасарой, Сарик-сув тор, 2-берк кўчасида жойлашган, қарадор Миралиев Б.Т. га тегишли, умумий майдони 928,0 кв. м, 6 та хона, 2 та ҳаммом, равон, ертўла, ошхона, 2 та солбон ва гараждан иборат бўлган 24-ўй қўйилмоқда (ижро ҳужжати 05.01.09 й. №1-35/09). Бошланғич баҳоси – 232 503 000 сўм.

Аукцион савдоси 2009 йил 20 октябрь кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт воситаси ва кўчмас мулк 2009 йил 20 октябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаси ва кўчмас мулкни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2009 йилнинг 10 ноябрь кuni бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

Шунингдек 2009 йил 29 сентябрь кuni соат 11.00 да бўлиб ўтишининг аукцион савдосига такроран Яккасарой тумани СИБ томонидан Тошкент ш., Яккасарой т.ш., Белаиқ кўчаси, 14-Е-ўй манзилида жойлашган ўй-жой қўйилмоқда (ижро ҳужжати 20.01.09 й. №2-164/08). Бошланғич баҳоси – 397 171 699,20 сўм.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10%дан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИИН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т.ш., М.Ураббоев кўчаси, 1-А-ўй. Тел. 228-7952. www.rkmb.uz.

РКМБ Самарқанд вилоят филиалининг аукцион савдосига: Самарқанд шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан (20.01.2009 й. №2-164-08-сонли ижро ҳужжати) Самарқанд шаҳар, М.Қошғарий кўчаси, 82-ўйда жойлашган, қурилиш майдони 689,65 кв. м бўлган қурилиш тугалланмаган Савдо мажмуиси такроран 10 фойз арзонлашган нархда қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 446 054 400 сўм.

Аукцион савдоси 2009 йил 29 сентябрь кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Ушбу мулк 2009 йил 29 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда унинг такрорий аукцион савдоси 2009 йил 20 октябрь кuni бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни (8-366) 233-80-56 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Самарқанд вилоят филиалининг «Узсаноотқурилишбанк» Самарқанд минтақавий филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452119, МФО: 00317, ИИН: 200933850. МАНЗИЛ: Самарқанд шаҳар, Бўстонсарой кўчаси, 85А-ўй.

Савдога қўйилган автотранспорт, техника воситалари ва кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 8 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	1274,27	1 Малайзия ринггити	425,58
1 Англия фунт стерлинги	2449,49	1 Польша злотийси	523,67
1 Дания кронаси	288,14	1 СДР	2338,54
1 БАА дирҳами	407,41	1 Туркия лираси	1004,72
1 АҚШ доллари	1496,33	1 Швейцария франки	1413,63
1 Миср фунти	270,63	1 ЕВРО	2144,24
1 Исландия кронаси	11,91	10 Жанубий Корея вони	12,14
1 Канада доллари	1379,11	10 Япония иенаси	160,67
1 Хитой юани	219,10	1 Россия рубли	47,34
		1 Украина гривнаси	187,39

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

МДҲ ВА БОЛТИҚБҮЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	10.09.2009	1	0,8034	1	1,171	1	0,0259
Арманистон	10.09.2009	1	377,11	1	548,73	1	12,24
Беларусь	11.09.2009	1	2791	1	4065,37	1	90,37
Грузия	10.09.2009	1	1,6889	1	2,4484	1	5,4227
Қозоғистон	11.09.2009	1	150,86	1	219,56	1	4,89
Қирғизистон	5.09.2009	1	44,2266	1	63,1313	1	1,3993
Латвия	11.09.2009	1	0,482	1	0,702804	1	0,0156
Литва	11.09.2009	1	2,3697	1	3,4528	10	7,6692
Молдова	10.09.2009	1	11,2065	1	16,2378	1	0,3595
Тожикистон	9.09.2009	1	4,3901	1	6,3284	10	1,4026
Ўзбекистон	8.09.2009	1	1496,33	1	2144,24	1	47,34
Украина	10.09.2009	100	799,5	100	1161,0339	10	2,567
Эстония	10.09.2009	1	10,7533	1	15,6466	1	0,348777

Манба: www.prime-tass.ru

УШБУ СОНДА:

- **УСТУВОРЛИКЛАР**
 - Бола ҳуқуқлари – доимий ҳимояда
 - Миллий паспорт тизими такомиллашмоқда
- **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
 - Янги ҳужжатларни тақдим этишимиз
 - Валюталар курси

ГИЛИКЛАР

- **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:**
 - «Илмий ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»;
 - «Мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулот турлари рўйхатига қўшимчалар киритиш тўғрисида».

Идоравий-меъёрий ҳужжат

- ЎзР АВ, ИИВ, МХХнинг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишдан бўйин товлаётган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш ҳамда Суд департаменти, ички ишлар идоралари ва давлат чегарасини кўриқ-

- лаш органларининг ҳамкорлиги тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»-ги қарори.
- **2009 йил II чоррағида «Солиқ ва божхона хабарлари» ҳамда «Норма маслаҳатчи» газеталарида эълон қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати.**
- **top**
- **3-6-бетлар**
- **7-8-бетлар**

ЎЗБЕКИСТОН НОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

● **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:**

– «Илмий ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»;
– «Мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулот турлари рўйхатига қўшимчалар киритиш тўғрисида».

● **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТ**

– ЎЗР АВ, ИИБ, МХХнинг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишдан бўйин товлайётган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш ҳамда Суд департаменти, ички ишлар идоралари ва давлат чегарасини кўриқлаш органларининг ҳамкорлиги тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

● **2009 йил II чорагида «СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ» ҲАМДА «НОРМА МАСЛАХАТЧИ» ГАЗЕТАЛАРИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**ИЛМИЙ ХОДИМЛАР МЕҲНАТИНИ ЯНАДА РАҒБАТЛАНТИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 34-сон, 370-модда)

Илмий ходимларнинг илмий тадқиқотларни ишлаб чиқишга ва олинган натижаларни амалиётга жорий этишга қўшган илмий ва меҳнат ҳиссасига қараб уларни моддий рағбатлантиришни кучайтириш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси, Фанлар академияси ҳамда илмий-техника дастурларини бажарувчи бошқа вазирликлар ва идоралар, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, ташкилотлар:

ўзларига илмий-тадқиқот ишланмаларини бажариш учун ажратиладиган бюджет маблағларини ҳисоблаш ва тақсимлашда илмий ва раҳбар ходимлар базавий лавозим маошларининг ушбу қарор билан тасдиқланган миқдорларига қатъий амал қилсинлар;

илмий ходимларни моддий рағбатлантиришни, шу жумладан иқтисодий тармоқларида илмий-тадқиқот ишлари натижаларини жорий этиш самарадорлигини ошириш, бюджет маблағларини тежаш ва ҳўжалик ҳисобидаги фаолиятни амалга оширишдан олинадиган бюджетдан ташқари даромадларни кўпайтириш ҳисобига янада кучайтириш бўйича тизимли асосда чора-тадбирлар кўрсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда илмий-техника дастурларини бажарувчи ташкилотлар томонидан меҳнатга ҳақ

тўлаш фондининг 5 фоизи миқдоридида илмий ходимларни моддий рағбатлантиришнинг махсус жамғармаларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Шундай тартиб белгилансинки, унга мувофиқ:

ташкил этилаётган жамғармалар маблағлари ҳисобига алоҳида ўрнатилган кўрсаткич, илмий-техника дастурларини амалга оширишга аниқ меҳнат ва илмий ҳисса қўшган илмий ходимлар моддий рағбатлантирилади;

илмий ходимларни моддий рағбатлантириш улар учун йилига 2 тадан 5 тагача базавий лавозим маошлари миқдоридида бир йўла тўланадиган мукофотлар белгилаш йўли билан Илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари ҳузуридаги илмий кенгаш қарорларига биноан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги икки ҳафта муддатда Илмий ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармасини шакллантириш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартибини тасдиқласинлар, унда илмий ходимларни мукофотлашнинг илмий-техника дастурларини ишлаб чиқишга, шунингдек тадқиқотлар натижаларидан иқтисодий тармоқларида фойдаланишга улар қўшган аниқ ҳисса даражасини ҳисобга оладиган асосий мезонлар белгиланишини назарда тутсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда идоровий норматив ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
18 август 2009 йил
233-сон.

**БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИГА ФУНДАМЕНТАЛ, АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ВА ИННОВАЦИОН ИШЛАРНИНГ ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ДАСТУРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ҚАТНАШУВЧИ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МУАССАСАЛАРИ ИЛМИЙ ВА РАҲБАР ХОДИМЛАРИНИНГ БАЗАВИЙ ЛАВОЗИМ
МАОШЛАРИ МИҚДОРЛАРИ**

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

№ 37 (218) • 2009 йил 14 сентябрь

4

Т/р	Лавозимларнинг номи	Базавий лавозим маошларининг миқдори, сўм
1.	Институт директори	
	профессор	416 030
	фан доктори	399 129
	фан номзоди	382 319
2.	Директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари, институт ва бошқа илмий муассасалар филиалининг директори	
	профессор	382 319
	фан доктори	368 736
	фан номзоди	352 239
3.	Институтнинг илмий котиби, илмий-тадқиқот лабораторияси (бўлими) мудир	
	фан доктори ёки профессор	368 736
	катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан номзоди	352 239
	илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди	338 747
4.	Филиал ва бошқа илмий муассасалар директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари	
	фан доктори ёки профессор	352 239
	катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан номзоди	338 747
	илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди	325 181
5.	Бош илмий ходим	
	профессор илмий унвонига эга бўлган фан доктори	352 239
	катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан доктори	338 747
	илмий унвонга эга бўлмаган фан доктори	325 181
6.	Етакчи илмий ходим	
	илмий унвонга эга бўлган фан доктори	338 747
	илмий унвонга эга бўлмаган фан доктори	325 181
	илмий унвонга эга бўлган фан номзоди	309 132
7.	Катта илмий ходим	
	илмий унвонга эга бўлган фан номзоди	309 132
	илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди	293 266
	илмий даражага эга бўлмаган	277 754
8.	Кичик илмий ходим	
	фан номзоди	293 266
	илмий даражага эга бўлмаган (2 йилдан ортиқ илмий фаолият тажрибасига эга бўлган)	277 754
	илмий даражага эга бўлмаган (2 йилгача илмий фаолият тажрибасига эга бўлган)	262 371
9.	Тажриба орттирувчи тадқиқотчи	231 492

Изоҳлар:

Институт ва бошқа илмий муассасалар филиалининг илмий даражага эга бўлмаган директорига базавий лавозим маоши фан номзоди даражасида белгиланади.

Профессор илмий унвони бўлган фан номзоди илмий даражасига эга бўлган бош ва етакчи илмий ходимларга маош катта илмий ходим унвонига эга бўлган фан докторининг базавий лавозим маоши даражасида белгиланади.

Профессор илмий унвонига эга бўлган бош ва етакчи илмий ходимларга маош катта илмий ходим унвонига эга бўлмаган фан докторининг базавий лавозим маоши даражасида белгиланади.

Илмий-тадқиқот лабораториялари (бўлимлари) мудирлари ўринбосарларига базавий лавозим маоши уларга берилган илмий даражаларга ва унвонларга мувофиқ илмий-тадқиқот лабораториялари (бўлимлари) мудирлари маошига нисбатан 5 фоизга камайтирилган миқдорда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида лойиҳалар раҳбарлари лавозимлари ёки шунга ўхшаш лавозимлар назарда тутилган ҳолларда ушбу лавозимларга бўлимлар мудирларининг базавий лавозим маошлари белгиланади.

Илмий-тадқиқот ишланмаларини амалга оширишга харажатлар қиймати калькуляциясини шакллантиришда илмий ва раҳбар ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сон қарорига мувофиқ 2009 йил 1 январдан бошлаб базавий лавозим маошларининг тасдиқланадиган миқдорлари асосида ҳисоблаб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг энг кам ойлик иш ҳақи миқдорини ошириш тўғрисидаги Фармонлари қабул қилиниши муносабати билан базавий лавозим маошлари ўзгарган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг илмий ва раҳбар ходимларнинг базавий лавозим маошлари миқдорларини ўзгартириш тўғрисидаги қарори чиқарилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**МАЖБУРИЙ ТАРТИБДА СЕРТИФИКАТЛАНАДИГАН МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИ
РЎЙХАТИГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 34-сон, 375-модда)

Истеъмолчиларнинг соғлигини муҳофаза қилишни кучайтириш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш даражасини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 7-сон, 63-модда) билан тасдиқланган Мажбурий тартибда сертифицирланадиган маҳсулот турлари рўйхатига иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда идора-

вий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.У.Розукулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
21 август 2009 йил
241-сон.

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 21 августдаги
141-сон қарорига
ИЛОВА

**МАЖБУРИЙ ТАРТИБДА СЕРТИФИКАТЛАНАДИГАН МАҲСУЛОТ
ТУРЛАРИ РЎЙХАТИГА КИРИТИЛАЁТГАН ҚЎШИМЧАЛАР**

1. 30-позициядан кейин куйидаги мазмундаги 30-1-позиция қўшилсин:

30-1	Казеин, казеинатлар ва казеиннинг бошқа ҳосилалари; альбумин, альбуминат ва альбуминнинг бошқа ҳосилалари; желатин (елимшак) ва желатиннинг ҳосилалари; пептон ва унинг ҳосилалари; оқсил моддалар ва уларнинг бошқа ҳосилалари; декстрин ва бошқа модификацияланган крахмаллар; ферментлар; фермент препаратлари	3501 10 900 0**; 3502 11 900 0**; 3502 19 900 0**; 3503 00 100**; 3504 00 000 0**; 3505 10 900 0**; 3507**.
------	---	---

2. Изоҳга куйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«** фақат озиқ-овқат саноатида, фармацевтика маҳсулотлари ва моллар учун озуқа ишлаб чиқаришда қўлланиладиганлар».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ,
МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИНИНГ
ҚАРОРИ

**СУД ҲУЖЖАТЛАРИ ВА БОШҚА ОРГАНЛАР ҲУЖЖАТЛАРИНИ
ИЖРО ЭТИШДАН БЎЙИН ТОВЛАЁТГАН ШАХСЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИДАН ЧИҚИШНИ ВАҚТИНЧА ЧЕКЛАШ ҲАМДА СУД
ДЕПАРТАМЕНТИ, ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ВА ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИНИ
ҚЎРИҚЛАШ ОРГАНЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИГИ ТАРТИБИ
ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 25 августда рўйхатга олинган
Рўйхат рақами 1997-сон.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 35-сон, 390-модда)

Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 169-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 6 январдаги 8-сонли «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга боришлари тартибини ва Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1995 й., 1-сон, 1-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ад-

лия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати **қарор қилади:**

1. Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишдан бўйин товлаётган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш ҳамда Суд департаменти, ички ишлар идоралари ва Давлат чегарасини қўриқлаш органларининг ҳамкорлиги тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Адлия вазири
Р.МУҲИТДИНОВ.
9-сон

Ички ишлар вазири
Б.МАТЛЮБОВ.
11-сон

Миллий хавфсизлик
хизмати раиси
Р.ИНОЯТОВ.
76-сон

Тошкент шаҳри,
2009 йил 20 август.

*2009 йил 4 сентябрдан кучга киради.

**СУД ҲУЖЖАТЛАРИ ВА БОШҚА ОРГАНЛАР ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШДАН БЎЙИН ТОВЛАЁТГАН
ШАХСЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАН ЧИҚИШИНИ ВАҚТИНЧА
ЧЕКЛАШ ҲАМДА СУД ДЕПАРТАМЕНТИ, ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ВА ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИНИ
КЎРИҚЛАШ ОРГАНЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИГИ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2001 й., 9-10-сон, 169-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 6 январдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга боришлари тартибини ва Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 8-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1995 й., 1-сон, 1-модда) мувофиқ, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишдан бўйин товлаган жисмоний шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклаш (кейинги ўринларда – қарздорнинг чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклаш) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолияти моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг (кейинги ўринларда – Суд департаменти) ички ишлар ва Давлат чегарасини кўриқлаш органлари билан ҳамкорлигини ташкил этиш тартибини белгилайди.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Қарздорнинг чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклаш ижро ҳужжатида қарздор сифатида жисмоний шахс иштирок этганида мазкур низомда белгиланган ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ қўлланилади-ган мажбурий ижро этиш чораларидан бири ҳисобланади.

2. Қарздорнинг чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклаш суд ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжатидаги ёки ижро ҳужжати бўлган суд ҳужжатидаги (кейинги ўринларда – ижро ҳужжати) талаблар қарздор томонидан узрли сабабларсиз белгиланган муддатда ижро этилмаганда қўлланилади.

Агар ижро ҳужжати суд ҳужжати бўлмаса ва суд ҳужжати асосида берилмаган бўлса ундирувчи қарздорга Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклашни белгилаш тўғрисида ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Суд ижрочиси ижро иши юритишни кўзғатиш тўғрисидаги қарорида қарздор томонидан ижро ҳужжатидаги талабларни ихтиёрий равишда бажариш учун белгиланган муддатда узрли сабабларсиз ижро этилмаган тақдирда унга нисбатан мажбурий ижро ҳаракатлари қўлланилиши, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқи вақтинча чекланишини кўрсатади.

3. Қарздорнинг чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклаш куйидаги ҳолларда қўлланилмайди:

ижро иши юритишни кўзғатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кунда энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан ошмайдиган миқдорда сумма ундиришни назарда тутувчи ижро иши бўйича, шунингдек суд қарорини ижро этиш учун етарли мол-мулк олиб қўйилган тақдирда;

қарздор сифатида юридик шахс иштирок этган ижро ҳужжати бўйича.

4. Суд ижрочисининг қарздорнинг чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклаш тўғрисидаги қарори ижро этилиши шарт

ва фақат суд ёки суд ижрочиси томонидан қонунда белгиланган тартибда тўхтатилиши мумкин.

Суд ижрочиси қарорининг ижроси ички ишлар ва Давлат чегарасини кўриқлаш органлари томонидан муҳокама қилинишига, тўхтатилишига ёки бошқача тарзда тўсқинлик қилинишига йўл қўйилмайди, суд тартибда ёхуд шикоят ёки протест келтириш бундан мустасно.

**II. ҚАРЗДОРНИНГ ЧИҚИШ ҲУҚУҚЛАРИНИ
ВАҚТИНЧА ЧЕКЛАШНИ ЖОРИЙ ЭТИШ**

5. Қарздорнинг чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклаш қарздор томонидан ижро ҳужжатидаги талаблар белгиланган муддатда узрли сабабларсиз ижро этилмаганда суд ижрочиси томонидан қарздорнинг чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклаш тўғрисида қарор чиқариш йўли билан қўлланилиши мумкин.

Ижро ҳужжатидаги талабларни қарздор томонидан ижро этиш муддати ижро иши юритиш кўзғатилган кундан беш кундан ошиб кетмайдиган ижро иши юритишни кўзғатиш тўғрисидаги қарорда суд ижрочиси томонидан белгиланади.

6. Қарздорнинг чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклаш тўғрисидаги қарор суд ижрочиси томонидан ундирувчининг аризаси бўйича ёки ўз ташаббусига кўра чиқарилади.

7. Қарздорнинг чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклашни қўллаш тўғрисида ариза ундирувчи ёки қонунда кўрсатилган ҳолларда унинг вакили томонидан тақдим қилинади. Ушбу ариза қарздорнинг чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклашнинг асослантирилган сабабини ўз ичига олган бўлиши лозим.

Суд ижрочиси қарздорнинг чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклашни қўллаш тўғрисидаги ундирувчининг аризасини кўриб чиқиб қарздорнинг чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклаш тўғрисида қарор чиқаради ёки аризани қаноатлантиришни рад қилади ва ундирувчига асослантирилган жавоб юборади.

8. Суд ижрочисининг қарздорнинг чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклаш тўғрисидаги қарори катта суд ижрочиси томонидан тасдиқланади.

9. Қарздорнинг чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклаш тўғрисида қарор чиқарган суд ижрочиси қарорни зудлик билан факс ёки ҳужжатли маълумотни тезкор жўнатиш имконини берадиган бошқа алоқа воситалари орқали Суд департаментининг ҳудудий бошқармасига юборади.

Қарздорнинг чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклаш тўғрисидаги қарорнинг нусхалари суд ижрочиси томонидан қарор чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмасдан: қарздорга, агар унинг турган жойи маълум бўлса; ундирувчига, агар қарздорнинг чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклаш унинг аризасига биноан қўлланилган бўлса юборилади.

10. Суд департаментининг ҳудудий бошқармаси қарздорнинг чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклаш тўғрисидаги суд ижрочисининг қарори келиб тушган кунда:

қарорни 1-иловага мувофиқ қарздорнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклаш тўғрисидаги қарорларни рўйхатга олиш Китобига рўйхатга олади ва электрон маълумотлар базасига киритади; қарздорнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқиш

ҳуқуқларини вақтинча чеклаш ҳақидаги талабномани (кейинги ўринларда – талабнома) 2-иловага мувофиқ расмийлаштиради ва факс ёки ҳужжатли маълумотни тезкор жўнатиш имконини берадиган бошқа алоқа воситалари орқали ижро учун ички ишлар органларининг кириш, чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига (бошқармасига) ҳамда Давлат чегарасини кўриқлаш органларига, шунингдек, назорат ва ҳисобини юритиш учун Суд департаментига қарор рўйхатга олинган куннинг 18-00 дан кечиктирмасдан юборади. Қарздорнинг чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклаш ҳақидаги талабноманинг асл нусхаси юқоридаги органларга қарор рўйхатга олинган куннинг эртасидан кечиктирмасдан юборилади.

Агар қарздор чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлса қарздорнинг чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклаш ҳақидаги талабнома, кейинчалик тегишли органга маълумот бериш учун фақат Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги кириш, чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасига юборилади.

Талабнома Суд департаментининг ҳудудий бошқармаси раҳбари, у бўлмаган тақдирда эса унинг ўринбосари томонидан имзоланади ва гербли муҳр билан тасдиқланади.

11. Суд департаментининг ҳудудий бошқармаси юборилган талабномалар бўйича алоҳида иш юритувни олиб боради ва қарздорнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклаш тўғрисидаги қарорларни рўйхатга олиш китоби ва электрон маълумотлар базасига киритилган маълумотларнинг тўғрилиги, ҳаққонийлиги, шунингдек, иш юритувни олиб борилиши учун жавобгар бўлади.

12. Ички ишлар органларининг кириш, чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими (бошқармаси) ва Давлат чегарасини кўриқлаш органлари талабнома олинган куннинг эртасидан кечиктирмасдан, ушбу талабномани жўнатган Суд департаментининг ҳудудий бошқармасига қабул қилинган чоралар ҳақида ёзма равишда хабар қилади.

13. Ички ишлар органларининг кириш, чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими (бошқармаси) ҳамда Давлат чегарасини кўриқлаш органлари суд ёки суд ижрочиси томонидан қарздорнинг чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклаш олиб ташланмагунга қадар қарздорнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишига йўл қўймасликка мажбурдирлар.

Давлат чегарасини кўриқлаш органлари томонидан Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқлари чекланган қарздор жисмоний шахс аниқланган тақдирда бу ҳақда кечаю-кундуз хабарларни қабул қилиш ташкил этилган Суд департаменти органи хабардор қилинади. Қарздор аниқланганлиги тўғрисида маълумотни олган Суд департаменти органи зудлик билан қарор қабул қилиши ва бу ҳақда Давлат чегарасини кўриқлаш органини хабардор қилиши лозим.

Чиқиш ҳуқуқлари вақтинча чеклаш қўлланилган қарздор томонидан Ўзбекистон Республикасидан чиқиш тартиби бузилганлиги аниқланган ҳолларда Давлат чегарасини кўриқлаш органлари қарздордан унинг ҳаракатлари тўғрисида ёзма тушунтириш талаб қилади ва тушунтиришни қарздорнинг чиқишга уриниши ҳақидаги хабарнома билан бирга тегишли чоралар қабул қилишлик учун Суд департаментининг ҳудудий бошқармасига юборади.

14. Ички ишлар органларининг кириш, чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими (бошқармаси) ҳамда Давлат чегарасини кўриқлаш органларидан қарздорнинг чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклаш тўғрисидаги талабноманинг ижроси таъминланганлиги тасдиғи билан келиб тушган жўнатмалар юборилган талабномаларга қўшиб қўйилади ва қарздорнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклаш тўғрисидаги қарорларни рўйхатга олиш китобига тегишли белги қўйилади.

III. ҚАРЗДОРНИНГ ЧИҚИШ ҲУҚУҚЛАРИНИ ВАҚТИНЧА ЧЕКЛАШНИ ОЛИБ ТАШЛАШ

15. Қарздорнинг чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклаш

ўрнатишга асос бўлган ижро ҳужжати талаблари амалда ижро этилганда ёхуд қонунда белгиланган асосларга кўра ижро ҳужжати тугатилган ёки тамомланган тақдирда суд ижрочиси:

эртаси кундан кечиктирмай катта суд ижрочисининг имзоси билан қарздорни ёзма равишда хабардор қилади; зудлик билан факс ёки ҳужжатли маълумотни тезкор жўнатиш имконини берадиган бошқа алоқа воситалари орқали Суд департаментининг ҳудудий бошқармасини хабардор қилади.

Суд департаментининг ҳудудий бошқармаси қарздорнинг чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклаш олиб ташланганлиги тўғрисида қарздорнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклаш тўғрисидаги қарорларни рўйхатга олиш китоби ва электрон маълумотлар базасига тегишли белги киритади ва эртаси кундан кечиктирмасдан бу ҳақда ушбу Низомнинг 11 – 13-бандларида кўрсатилган тартибда ички ишлар органларининг кириш, чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими (бошқармаси) ҳамда Давлат чегарасини кўриқлаш органларига қарздорнинг чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклаш олиб ташланганлиги ҳақида хабардор қилади.

Ички ишлар органларининг кириш, чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими (бошқармаси) ҳамда Давлат чегарасини кўриқлаш органлари хабарни олгандан сўнг зудлик билан қарздорга ниобатан Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклашни олиб ташлайди.

16. Суд ижрочиси, зарурат туғилганда, қарздорнинг илтимосномасига асосан қарздорнинг чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклашни ҳаракатдан қуйидаги ҳолларда тўхта-тиб туришга ҳақли:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида касал-хонага ётқизишни талаб қиладиган қарздорнинг соғлиғини тиклаш заруриятини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарздорни Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетувчи расмий делегация таркибига киритиш ҳақидаги қарори мавжуд бўлганда.

Қарздорнинг чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чекловни тўхтатиш тўғрисида суд ижрочисининг қарори чиқарилади, катта суд ижрочиси томонидан тасдиқланади ва ушбу Низомнинг 15-бандида кўрсатилган тартибда ижро учун юборилади.

17. Қарздорнинг чиқиш ҳуқуқларига вақтинча чекловни олиб ташлашга қуйидагилар асос бўлмайди:

ижро иши юритиш тўхтатилганлиги, суд ижрочисининг қарздорнинг чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклаш тўғрисидаги қарори суд томонидан тўхтатилган ҳоллар бундай мустасно;

ижро иши юритиш «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига асосан бошқа суд ижрочисига юборилиб ижро иши юритиш тамомланганлиги.

IV. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

18. Суд департаментининг ҳудудий бошқармаси, ички ишлар органларининг кириш, чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими (бошқармаси) ҳамда Давлат чегарасини кўриқлаш органи қарздорнинг чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклашларнинг ҳисобини амалга оширади, электрон тарзда маълумотлар базасини юритади ва қарздорларнинг чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклаш тўғрисида маълумотлар алмашинувини амалга оширади.

19. Суд департаменти, ички ишлар ҳамда Давлат чегарасини кўриқлаш органларининг мансабдор шахслари ушбу Низом талабларини оғишмай бажарилиши учун шахсан жавобгардирлар.

20. Қарздорнинг чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклаш тўғрисидаги, қарздорнинг чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклашни тўхтатиш тўғрисидаги, шунингдек, қарздорнинг

чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклашни рад қилиш тўғрисидаги суд ижрочисининг қарори Суд департаментининг юқори турувчи органи ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

21. Чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклаш талабларини қарздор томонидан бажарилмаслиги, суд ҳужжати ижросига тўсқинлик қилиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикасидан ноқонуний чиқиб кетиши қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка, шу жумладан, жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

22. Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқлари вақтинча чекланган қарздорнинг ноқонуний чиқиб кетишига мансабдор шахсларнинг ёрдам берганлик ҳолатлари аниқланган тақдирда, суд ижрочиси мавжуд ҳужжатларни те-

гишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чора кўриш-лик учун юборади.

23. Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклаш кўринишидаги мажбурий чоралар қўлла-нилган қарздор – йўловчилар томонидан уларни ҳаво ке-маси борти, темир йўл ва бошқа транспорт воситалари-дан туширилганлик ёки улар томонидан амалга оширилган бронлаштиришни бекор қилганлик бўйича даъво талаби тақдим этилиши ва ҳуқуқларини поймол қилинишини ол-дини олиш мақсадида Суд департаменти асосий фаолияти йўловчи ташиш бўлган йўловчи ташувчилар билан маълумотлар алмашиш тўғрисида келишув тузиши мумкин.

24. Ушбу Низом Дававианазорат ва Ўздавтемирйўлна-зорат давлат инспекциялари билан келишилган.

Низомга
1-ИЛОВА

**ҚАРЗДОРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАН ЧИҚИШ
ҲУҚУҚЛАРИНИ ВАҚТИНЧА ЧЕКЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ
ҚАРОРЛАРНИ РҲЙХАТГА ОЛИШ КИТОБИ**

Т/р	Суд ижрочилари бўлими номи	Ижро ҳужжатини чиқарган орган номи, ижро ҳужжатининг номи, сана ва рақами	Қарздор тўғрисида маълумот (Ф.И.Ш, туғилган йили ва жойи, яшаш манзили)	Ундирувчи номи	Ижро ҳужжати мазмуни	
					мазмуни	ундирилиши лозим бўлган сумма

Жадвалнинг давоми

Ижро иши рақами ва санаси	Қарор санаси ва суд ижрочисининг Ф.И.Ш.	Қарорнинг ижро учун юборилган санаси	Чиқиш ҳуқуқларини чеклашни бекор қилиш санаси	Ижро иши юртишни тамомлаш учун асос бўлган қонун моддаси ва сана

Низомга
2-ИЛОВА

**ҚАРЗДОРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАН ЧИҚИШ
ҲУҚУҚЛАРИНИ ВАҚТИНЧА ЧЕКЛАШ ҲАҚИДАГИ ТАЛАБНОМА**

Т/р	Худудий бошқарма номи	Ижро ҳужжати чиқарган орган номи, ижро ҳужжатининг номи, рақами ва санаси	Қарздор тўғрисида маълумот (Ф.И.Ш, туғилган йили ва жойи, яшаш манзили)	Ундирувчи номи	Ижро ҳужжати мазмуни		Ижро иши рақами ва санаси	Қарор санаси ва суд ижрочисининг Ф.И.Ш.
					мазмуни	ундирилиши лозим бўлган сумма		

Худудий бошқарма бошлиғи _____
(Ф.И.Ш., имзо)

Худудий бошқарманинг масъул ходими _____
(Ф.И.Ш., имзо ва хизмат телефони рақами)

**2009 ЙИЛ II ЧОРАГИДА «СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ» ҲАМДА «НОРМА МАСЛАҲАТЧИ»
ГАЗЕТАЛАРИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР РҲЙХАТИ**

Меъёрий ҳужжатнинг номи	Санаси, рўйхат рақами	Газета сони
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИ		
Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66 ¹ -моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида	2009 йил 3 апрель, ЎРҚ-201-сон	16-сон "Норма маслаҳатчи"
"Стандартлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида	2009 йил 3 апрель, ЎРҚ-202-сон	16-сон "Норма маслаҳатчи"
"Фундаментал банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига ўзгартиришлар киритиш ҳақида	2009 йил 6 апрель, ЎРҚ-203-сон	16-сон "Норма маслаҳатчи"
"Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига қўшимча киритиш ҳақида	2009 йил 6 апрель, ЎРҚ-204-сон	16-сон "Норма маслаҳатчи"
Ўзбекистон Республикаси ва Япония Уртасида инвестицияларни либераллаштириш, рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимни (Тошкент, 2008 йил 15 август) ратификация қилиш ҳақида	2009 йил 6 апрель, ЎРҚ-205-сон	16-сон "Норма маслаҳатчи"

Меъерий ҳужжатнинг номи	Саняси, рўйхат рақами	Газета сони
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI ҚОНУНЛАРИ		
Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида	2009 йил 7 апрель, ЎРҚ-206-сон	16-сон "Норма маслаҳатчи"
Суд ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги низомга ўзгартишлар киритиш ҳақида	2009 йил 7 апрель, ЎРҚ-207-сон	16-сон "Норма маслаҳатчи"
"Баҳолаш фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида	2009 йил 9 апрель, ЎРҚ-208-сон	17-сон "Норма маслаҳатчи"
Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида	2009 йил 7 апрель, ЎРҚ-210-сон	19-сон "СБХ"
Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида	2009 йил 16 апрель, ЎРҚ-206-сон	19-сон "Норма маслаҳатчи"
"Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида	2009 йил 22 апрель, ЎРҚ-212-сон	20-сон "Норма маслаҳатчи"
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНЛАРИ, ҚАРОРЛАРИ		
"Агробанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида	2009 йил 30 март, ПҚ-1084-сон	15-сон "Норма маслаҳатчи"
"Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида	2009 йил 30 март, ПҚ-1083-сон	15-сон "Норма маслаҳатчи"
Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида	2009 йил 15 апрель, ПФ-4104-сон	17-сон "СБХ"
Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида	2009 йил 4 апрель, ПФ-4102-сон	19-сон "Норма маслаҳатчи"
Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва ҳўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида	2009 йил 6 апрель, ПҚ-1090-сон	20-сон "Норма маслаҳатчи"
2009 йилда маҳсулот экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2009 йил 8 апрель, ПҚ-1092-сон	20-сон "Норма маслаҳатчи"
Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида	2009 йил 15 май, ПҚ-1112-сон	22-сон "Норма маслаҳатчи"
"Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" (илвалар)	2009 йил 15 май, ПҚ-1112-сон	24-сон "Норма маслаҳатчи"
Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган асосий тантаналарни ўтказиш тўғрисида	2009 йил 10 июнь, ПҚ-1128-сон	25-сон "СБХ"
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ		
Вазирлар Маҳкамасининг "Товар-хом ашё биржалари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2004 йил 31 майдаги 251-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида	2009 йил 18 март, 74-сон	15-сон "Норма маслаҳатчи"
2009-2015 йиллар даврида республикада иссиқлик таъминоти тизимини ислоҳ қилиш концепциясини ҳамда иссиқлик таъминоти тизимини модернизация қилиш ва ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида (Кўчирма)	2009 йил 19 март, 78-сон	16-сон "Норма маслаҳатчи"
Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат ҳокимияти бошқаруви органлари, суд органлари ва нотариал идоралар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида" 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида	2009 йил 25 март, 86-сон	16-сон "Норма маслаҳатчи"
Тураж жой ва кичик бизнес объектлари учун қурилиш материаллари сотиш бўйича фирма дўконлари тармоғини ташкил этиш тўғрисида	2009 йил 28 март, 87-сон	18-сон "Норма маслаҳатчи"
Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш масалалари тўғрисида	2009 йил 1 апрель, 92-сон	18-сон "Норма маслаҳатчи"
Маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш механизмини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2009 йил 2 апрель, 94-сон	19-сон "Норма маслаҳатчи"
Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг "Навой" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудига кириши, ундан чиқиб кетиши, у ерда бўлиши ва ишга ёлланганининг соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида	2009 йил 9 апрель, 104-сон	19-сон "Норма маслаҳатчи"
Давлат мулкни ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	2009 йил 8 апрель, 102-сон	20-сон "Норма маслаҳатчи"
"Навой" эркин индустриал-иқтисодий зонаси фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида	2009 йил 9 апрель, 105-сон	21-сон "Норма маслаҳатчи"
Қарздор ва унинг оиласининг нормал турмуш кечириши учун зарур бўлган, ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган уй анжомлари ва жиҳозлари, кийимлар ҳамда бошқа буюмлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида	2009 йил 14 апрель, 110-сон	21-сон "Норма маслаҳатчи"
"Навой" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудига алоҳида божхона режими ҳамда алоҳида солиқ режимини таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида	2009 йил 23 апрель, 120-сон	21-сон "Норма маслаҳатчи"
Якка тартибда уй-жой қуриш (реконструкция қилиш)ни амалга оширишга рухсатномаларни расмийлаштиришнинг, лойиҳаларни ваколатли органларда бир жойнинг ўзида келишишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида	2009 йил 30 апрель, 127-сон	21-сон "Норма маслаҳатчи"
Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этишда хатланган ва олиб қўйилган мол-мулкни сақлаш тартиби ҳамда шартлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида	2009 йил 8 май, 132-сон	24-сон "Норма маслаҳатчи"
Инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2009 йил 20 май, 144-сон	25-сон "Норма маслаҳатчи"
Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида	2009 йил 23 май, 147-сон	25-сон "Норма маслаҳатчи"
Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари ва нотариал идоралар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида" 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон қарорига қўшимча киритиш ҳақида	2009 йил 25 май, 149-сон	25-сон "Норма маслаҳатчи"

Меъёрий ҳужжатнинг номи	Ҳужжатни тасдиқлаган орган	Санаси, рўйхат рақами, кучга кирди	Газета сони
ИДОРАВИЙ-МЕЪЕРИЙ ҲУЖЖАТЛАР			
Тошкент шаҳридаги давлат ва коммунал мулкка тегишли нотурад жой биноларига қўлланиладиган ижара ҳақининг энг кам миқдордаги таянч ставкалари ҳақида	ЎзР Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши	2008 йил 26 декабрь, 161/3-18-сон	15-сон "Норма маслаҳатчи"
Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида	ЎзР МВ, ДСҚ, ДБҚ	2009 йил 20 март, 589-4-сон, 2009 йил 30 мартдан кучга кирди	16-сон "Норма маслаҳатчи"
Алкоғолли ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркаларини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида	ЎзР МВ, ДСҚ, ДБҚ	2009 йил 20 март, 1320-2-сон, 2009 йил 30 мартдан кучга кирди	16-сон "Норма маслаҳатчи"
Адвокат стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида	ЎзР АВ	2009 йил 27 март, 1928-сон, 2009 йил 6 апрелдан кучга кирди	16-сон "Норма маслаҳатчи"
Адвокат ёрдамчисининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида	ЎзР АВ	2009 йил 27 март, 1929-сон, 2009 йил 6 апрелдан кучга кирди	16-сон "Норма маслаҳатчи"
Нооziқ-овқат товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан солиқ ва боғхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида	ЎзР МВ, ИВ, ТИАИСВ, ДСҚ, ДБҚ	2009 йил 31 март, 1932-сон, 2009 йил 10 апрелдан кучга кирди	18-сон "Норма маслаҳатчи"
Қўшимча инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига акциядорлик жамиятларининг устав фондларини ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида	ЎзР ДМҚ	2009 йил 10 апрель, 1061-1-сон, 2009 йил 20 апрелдан кучга кирди	20-сон "Норма маслаҳатчи"
Аввал хусусийлаштирилган корхоналар – ягона солиқ тўлови тўловчиларини умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида	ЎзР МВ; ДСҚ	2009 йил 14 апрель, 1939-сон, 2009 йил 24 апрелдан кучга кирди	21-сон "Норма маслаҳатчи"
Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни амалга оширувчи хўжалик субъектлари томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида	ЎзР МВ, ИВ, ДСҚ, ДБҚ	2009 йил 20 апрель, 1688-1-сон, 2009 йил 30 апрелдан кучга кирди	22-сон "Норма маслаҳатчи"
Қимматли қозғалар бозорининг профессионал иштирокчилари бирлашмалари (уюшмалари) фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида	ЎзР ДМҚ хузуридаги ҚҚБФМНҚМ	2009 йил 17 апрель, 1942-сон, 2009 йил 27 апрелдан кучга кирди	22-сон "Норма маслаҳатчи"
Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (6-сонли БҲМС) "Ижара ҳисоби"ни тасдиқлаш тўғрисида	ЎзР МВ	2009 йил 24 апрель, 1946-сон, 2009 йил 4 майдан кучга кирди	23-сон "Норма маслаҳатчи"
Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган импорт қилишда қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган хом ашёлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида	ЎзР ИВ, МВ, ТИАИСВ, ДБҚ, ССВ	2009 йил 8 май, 1952-сон, 2009 йил 18 майдан кучга кирди	25-сон "Норма маслаҳатчи"
Интеллектуал мулк объектларини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида	ЎзР ДМҚ	2009 йил 8 май, 1953-сон, 2009 йил 18 майдан кучга кирди	25-сон "Норма маслаҳатчи"
Хўжалик бошқарув органлари ва корхоналарнинг модернизация ва янги технологиялар жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида	ЎзР МВ, ИВ, ВМ хузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси	2009 йил 12 май, 1955-сон, 2009 йил 22 майдан кучга кирди	25-сон "Норма маслаҳатчи"
Боғхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида	ЎзР ДБҚ	2009 йил 14 май, 834-19-сон, 2009 йил 24 майдан кучга кирди	25-сон "Норма маслаҳатчи"
Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида	ЎзР МББ	2009 йил 27 апрель, 1948-сон, 2009 йил 7 майдан кучга кирди	25-сон "Норма маслаҳатчи"
Тугатилаётган корхонанинг мол-мулк ва мажбуриятларини инвентарлашни ташкил этиш ва қийматини аниқлаш бўйича йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида	ЎзР Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси	2009 йил 18 май, 887-2-сон, 2009 йил 28 майдан кучга кирди	26-сон "Норма маслаҳатчи"
Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сонли БҲМС) "Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома"га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида	ЎзР МВ	2009 йил 25 май, 1181-2-сон, 2009 йил 4 июндан кучга кирди	26-сон "Норма маслаҳатчи"

Номи	Ахборот тайёрлаган ташкилот	Газета сони
БОШҚА АХБОРОТЛАР		
2009 йил 31 март ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикаси солиқ маслаҳатчилари ва солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари рўйхати	МВ	15-сон "СБХ"
Тошкент шаҳар ҳокимининг "Тошкент шаҳри бўйича 2009 йил учун маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ставкалари тўғрисида"ги қарори	Тошкент шаҳар ҳокимияти	17-сон "Норма маслаҳатчи"
2009 йил 1 чорагида "Солиқ ва боғхона хабарлари" ҳамда "Норма маслаҳатчи" газеталарида эълон қилинган меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати	"Норма маслаҳатчи"	19-сон "Норма маслаҳатчи"
Ўзбекистон Республикаси аудиторлик ташкилотлари фаолиятини рейтингли баҳолаш услубияти	Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий уюшмаси, Аудиторлар палатаси	22-сон "СБХ"

Ташкилот нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича қуйидагиларни сотади


ЛИФТЛАР 100 дан 5000 кг гача

- ◆ **ТИКИЛИ АРМАТУРА:** ЗУЛФИНЛАР, ВЕНТИЛЛАР, ЗАТВОРЛАР, КЛАПАНЛАР
- ◆ Дизель кўчма электростанцияси 60 кВт
- ◆ ВКР, ВО, ВЦ, "Самал" вентиляторлари
- ◆ Электр ва қўл насослари
- ◆ КТЦ саноат кондиционерлари
- ◆ Электроталлар, кран-балкалар
- ◆ Муз генератори
- ◆ "Россиянка" электр плиталари (4 конфоркали ва духовка)
- ◆ Зангламас қувурлар $\varnothing 57$, эни 4 мм, $\varnothing 10$, эни 2 мм
- ◆ Кир ювиш барабани, ФЯР, ФПУ ҳаво филтрлари
- ◆ КИД, КВУ, ГРП-40 клапанлари
- ◆ Ўт ўчирувчилар қўлқоплари, колонкалар ва гидрантлар

E-mail: kaspi64@bk.ru, тел.: 273-95-90, 175-81-56 (ўяли), тел./факс 273-83-86

ЭЛЕКТРОДЛАР

ЮҚОРИ СИФАТЛИ



"VISTEC" (Украина),
"ANYKSCIJ VARIS" (Литва),
"БОЛЬШОЙ МОСТ" (Китай)

H2315

T.: 235-79-94, 235-25-36, 510-36-10, 104-03-70

"Интеграл стар" ХК таклиф қилади

ЕҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ

ассортиментда

Хизматлар лицензияланган
Товарлар сертификатланган

Тўлов - исталган шаклда

Тел. 104-84-10, 303-16-46 факс 274-66-77

РЎЙХАТЛАР

*Тошкент шаҳар хўжалик суди томонидан 2009 йил 24 августда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 53-моддасига мувофиқ Яққасарой туманидаги қуйидаги хўжалик юритувчи субъектларни тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди ва тугатиш ҳаракати бошланди:

Корхона номи	Қарор рақами
"JIN KONG LONG" МЧЖ	10-0912/12734
"SUCCESS PARTNERS" МЧЖ	10-0912/12735
"BETAKROR QURILISH SERVIS" МЧЖ	10-0912/12736
"AFBAT STROY SERVIS" МЧЖ	10-0912/12737
"TOSH AHMED SERVIS" МЧЖ	10-0912/12738
"QORAKO'L JILOLARI" ШК	10-0912/12739
"YAKKASAROY TOVAR ISHLAB CHIQARUVCHILAR MARKAZI" К	10-0912/12740
"ELEGANT RUKOS" МЧЖ	10-0912/12741
"NIKA QVIN SNAKE" ХК	10-0912/12742
"G'OZG'ON MARMAR" ХК	10-0912/12743
"УЗМОЛМЯСОСПЕЦАВТОТРАНС" ЖК	10-0912/12744
"REND PROFI SERVIS" ХК	10-0912/12745
"MIRALI BEKZOD" ХК	10-0912/12746
"AKKORD FARM" ШК	10-0912/12747
"ILBAX STROY DIZAYN" МЧЖ	10-0912/12748
"MADAGI BIZNES" МЧЖ	10-0912/12749
"SARMOYA PLUS LIZING" ШК	10-0912/12750
"AFRODITA MTP" ШК	10-0912/12757
"SOYABON" МЧЖ	10-0912/12754
"ABI IHTIYOR SERVIS" МЧЖ	10-0912/12753

Мазкур корхоналарнинг дебитор ва кредиторлик даъволари 2 ой муддат мобайнида Яққасарой тумани Ҳокимияти тугатиш комиссияси томонидан қабул қилинади. Корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамгалари бекор қилинади.

*Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 28 августдаги 10-0909/11868-т-сонли қарорига асосан Чилонзор туманидаги "SKOKOVA I PARTNERI" МЧЖ тугатиш ишлари бошланган. Ушбу корхонанинг муҳр ва бурчак тамгалари ўз кучини йўқотган деб топилсин. Чилонзор тумани Ҳокимияти корхоналарни тугатиш комиссияси эълони чоп этилган санадан эътиборан барча даъволар 2 ой муддат ичида Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 50-уй манзили бўйича ҳамда 276-75-23, 276-26-86 телефонлари орқали қабул қилинади.

"ЕВРОМЕТАЛ-ОСИЁ" ҚҚ

ХАЛҚА
квадрат, поковка

конструкциян, иссиққа чидамли,
зангламас

конструкциян шестигранник

ТУНУКА

иссиқ жўваланган, тарам-тарам, зангламас

ст. У8Г – 0,9х326 мм рулонли тасма

Техник туз 1-2 навли (Учкудук)

т/ф: 281-35-61, 255-76-74, 254-94-95, e-mail: v Klim_70@mail.ru

ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР

енгил металл конструкциялар ва мебель ишлаб чиқариш учун
Тошкент шаҳридаги омбордан!

Квадрат кесишмаси – 12,7*12,7 дан 50*50 мм гача

Овал кесишмаси – 30*15 ва 20*40 мм

Тўғри бурчакли кесишмаси – 20*10 дан 70*11 мм гача

Думалоқ кесишмаси – D 10-63,5 мм

Деворнинг эҳтимолий қалинлиги: 0,8 дан 2,0 мм гача
Пўлат русуми 08КП DIN 2394, 2395

Арқали кесишмаси – 20*40 мм


H30-5

Тел.: + (998 71) 2737214, 2732158. Факс 273-6965. E-mail: info@network.uz

МДХдаги ЭНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАН БИРИ




АНДИЖОН
КАБЕЛЬ
ЗАВОДИ



ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН

РЕАЛ НАРХЛАР БЎЙИЧА СИФАТ ВА КАФОЛАТ



Тошкент ш., М.Жалил кўч., 92. Тел.: (99871) 150-11-77 (кўп тармоқли), 150-55-66 e-mail: tashkent@ak.uz, www.cable.uz

УЙДАН ЧИҚМАЙ ТУРИБ
РЕСТОРАН ТАНЛАНГ

www.restoran.uz

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2009 йил 30 июлдаги ҳал қилув қарорларига асосан Чирчиқ шаҳридаги банкрот деб эътироф этилган ва тугатиш жараёни жорий қилинган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	Юридик манзили	Қарор рақами
"SHERZOD" ХФ	200941145	П.Морозова кўч., 13-77	11-0906/10597(19)
"Нигина ва Лола" ХФ	204540104	А.Навоий кўч., 54	11-0906/10598(19)
"Кучма Лойха" ХФ	205235995	9-кичик ноҳия, 16-25	11-0906/10600(19)
"Чирчиқ монтаж сервис" ШК	203986958	Х.Мақсудов кўч., 1	11-0906/10599(19)

Мазкур корхоналар бўйича тугатиш бошқарувчиси этиб Чирчиқ шаҳар ДСИ ходими М.Умаров (индекс 111700, тел.: 1506485, 6-26-70) тайинланган. Кредиторлар талаблари тугатиш бошқарувчиси томонидан Чирчиқ шаҳар, Темирийўлчилар кўчаси, 128а-уй, Чирчиқ шаҳар ДСИ биносидан эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади. Ушбу корхоналарнинг бурчак штамплари ва думалоқ муҳрлари олишнинг иложи бўлмаганлиги сабабли бекор қилинади.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ХУҚУҚ

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД КУРБОНБОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1
E-mail: sbxahbot@mail.ru

ТАЪСИСЧИ "Norma Hamkor" МЧЖ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи-назарига мос келмавермайди. Чоп этилган тавсиялар, тушунтиришлар, жумлалар, фактлар, статистик маълумотлар, реклама эълонларининг аниқлигига жавобгарлик материал муаллифи зиммасига юкланади.

Тахририят оғоҳлантирадиги, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун тахририят жавобгар эмас. Тахририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.

"Norma maslahatchi" да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "TOPPRINT" МЧЖ босмаханасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Буюртма 234 Алали 5050. Баҳоси келишилган нархда
Газета 2009 йил 11 сентябрда соат 18.00 да топширилади.
ISSN 2010-5223